2016 ЙИЛ 23 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 264 (13.327)

Баҳоси эркин нархда

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ТАДБИРКОРГА КЕНГ ИМКОНИЯТ

Бугун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришнинг муҳим талабига айланди. Биринчи Президентимиз томонидан қайд этилганидек, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, кундалик ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектини берадиган ўзгаришларни амалга оширмасдан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади.

АКТни жадал ривожлантириш юзасидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида ишбилармонлик муҳити тобора яхшиланиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартиблари соддалашиб бормоқда. Бу борада интернет тармоғида Ягона интерактив давлат хизматлари портали фаолиятининг йўлга қўйилгани, жойларда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш бўйича "ягона ойна" марказлари иш олиб бораётганидан халқимиз мамнун.

– Ахборот-коммуникация технологияларининг жамият ва давлат ҳаётига кенг татбиқ этилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ортиқча югур-югур ва турли сансалорликлардан фориғ этмоқда, – дейди "UZINFOCOM" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази директори ўринбосари Нозимжон Далибоев. – Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги "Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг ўрни салмоқли бўлаётир.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 290 турдан зиёд хизмат кўрсатилмоқда. Тадбиркорлик йўналишида, хусусан, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда якка тартибдаги тадбиркор ёки деҳқон хўжалигини ташкил этиш учун онлайн ариза юбориш, юридик шахс ташкил этган ҳолда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш учун онлайн ариза юбориш, фермер хўжалиги, оилавий тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш учун онлайн тарзда ариза бериш сингари йигирма турга яқин хизмат тақдим этилмоқда.

2016 йил 20 декабрь ҳолатига кўра, Ягона портал орқали тадбиркорлик субъектларидан 515 мингдан зиёд ариза келиб тушгани мазкур электрон ресурснинг мамлакатимиз ишбилармонларига кўмакчи бўлаётганидан далолат беради.

Ягона порталда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тадбиркорликка тегишли ишлаб чиқилаётган ҳужжат лойиҳалари ва қабул қилинган ҳужжатларни муҳокама қилиш имкониятини берадиган махсус тизим ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозир ушбу тизим regulation.gov.uz манзилида фаолият кўрсатмоқда. Фойдаланувчилар томонидан билдирилган изоҳ ва таклифлар тегишли давлат органлари томонидан кўриб чиқилади ва таклифларни инобатга олиш ёки рад этиш бўйича қарор қабул қилинади. Фойдаланувчилар амалдаги норматив ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсир этишини Ягона порталда жойлаштирилган махсус сўровномани тўлдирган ҳолда баҳолашда ҳам иштирок этишлари мумкин.

Портал давлат органлари фаолияти очиқлиги самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда тизимга 850 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат муҳокама учун жойлаштирилган.

Маҳаллий веб-ресурсларни, рақобатбардош дастурий маҳсулотлар ва хизматлар бозорини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, хусусий мулкчилик, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар портали (data.gov.uz) ишга туширилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар 120 давлат органи томонидан тақдим этилган 2100 дан зиёд маълумотлар тўплами порталга жойлаштирилган.

Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ 2016 йил 1 январдан иш бошлаган тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатувчи "ягона ойна" марказларининг фаолияти ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳамма ҳудудларида аҳолига қулай бўлган жойда, барча шарт-шароитга эга 194 "ягона ойна" маркази фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ўзбекистон – умумий уйимиз

БАРАКА – АҲИЛЛИКДА

Мамлакатимизда қўлга киритилаётган оламшумул ютуқ ва марраларда, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳалардаги ислоҳотларнинг жадал ва самарали кечаётганида жамиятимиздаги тинчлик ва осойишталик, миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги бағрикенглик, аҳиллик, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳити асосий омил бўлмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ташкил этилган адабий-мусиқий тадбирда ана шулар ҳақида сўз юритилди.

Мамлакатимиздаги осуда муҳитни кўз қорачиғидек асраш, ёш авлодни ёруғ ва саодатли кунлар учун шукроналик, ватанпарварлик, фидойилик руҳида камол топтириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бошланган ислоҳотларнинг изчил давомидир.

Асосий қомусимизда миллати, диний эътиқодидан қатъий назар, барча фуқароларнинг яшаши, таълим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, меҳнат қилиши, ижодий-интеллектуал қобилиятини юзага чиқариши билан боғлиқ ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамлаб қўйилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаб, Ватанимиз тинчлиги, тараққиёти, ҳаётимиз фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

Республика Байналмилал маданият маркази юртимизда фаолият кўрсатаётган кўплаб миллий маданият марказларининг ишини мувофиқлаштириш, ёш авлодни юртга, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

– Ўзбекистонимизда азал-азалдан кўплаб миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилиб келган, – дейди ЎзА мухбирига бошқирд миллий маданият маркази қошидаги "Сандугачлар" вокал ансамбли бадиий раҳбари Роза Фазулова. – Зеро, қут-барака – аҳилликда. Мен шундай бағрикенг, меҳридарё, саховатпеша юртда туғилиб, бахтимни шу табаррук диёрдан топганимдан ғоят фахрланаман.

Кечада бошқирд миллий маданият маркази қошидаги бадиий жамоаларнинг Ўзбекистонимизни, тинч ва осойишта, тўкин ва фаровон ҳаётимизни, истиқболимизни тараннум этувчи куй-қўшиқлари янгради.

Н.УСМОНОВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ КОНВЕНЦИЯЛАРИНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, Меҳнат вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши хамкорлигида Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларини ратификация қилиш истиқболларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ё.Умаров ва бошқалар мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш учун зарур шарт-шароит яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар улкан натижалар бераётганини таъкидлади.

Меҳнат муносабатларини тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси имзолаган халқаро шартномалар ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциялари муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро меҳнат ташкилотига жаҳоннинг 187 мамлакати аъзо бўлган. Ўзбекистон 1992 йилдан ушбу ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади.

Давра суҳбатида Халқаро меҳнат ташкилотининг меҳнатни муҳофаза қилиш, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси ва жамоа музокараларига доир стандартларининг мамлакатимизда имплементация қилиниши ҳолатини баҳолаш, хусусан, келажакда бир нечта конвенцияларни ратификация қилиш имкониятларини ўрганиш ҳамда тегишли тавсия ҳамда таклифлар ишлаб чиқиш масалалари муҳокома этилди.

– Ўзбекистон Республикаси томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг 14 конвенцияси, жумладан, 8 асосий конвенцияси ратификация қилинган, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Шерзод Қулматов. – Мазкур конвенцияларнинг ратификация қилиниши меҳнат соҳасидаги қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда унинг ижроси устидан назоратни янада кучайтириш, фуқароларнинг меҳнат ва бандлик соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Тадбирда Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиниши миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши таъкидланди. Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари талабларини миллий қонунчиликка имплементация қилишни давом эттириш, ратификация қилинган конвенцияларнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан бажарилишига қаратилган тадбирларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Г.САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда "Хотин-қизлар тадбиркорлиги – фаровонликка йўл" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Банк мутахассислари, тадбиркор аёллар, кичик бизнес билан шуғулланиш истагидаги ёшлар иштирок этган тадбирда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш, бу борада "Тадбиркор аёл" уюшмаси томонидан амалга оширилаётган ишлар, банк кредитларидан самарали фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

● Нукусда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги ходимлари ўртасида "Аълочи ходим" анъанавий кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

● Тошкент вилояти адлия бошқармасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Вилоят адлия ва ички ишлар бошқармалари ҳамда вилоят прокуратураси ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда ҳудуддаги барча давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

● Наманган вилояти Чуст туманидаги "Чуст пахта тозалаш" акциядорлик жамиятида 2017 йил ҳосили учун уруғлик чигитларни тозалаш, саралаш, туксизлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва касалликларига қарши дорилаш ишларини ташкил қилиш масаласига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

● Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида "Китоб ва китобхонлик – инсон маънавияти кўзгуси" мавзуида илмий-амалий конференция ва китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Унда таълим муассасалари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналар раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.

● Бухорода Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни тарғиботига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Берлинда юк машинаси ёрдамида террорчилик ҳаракати содир этилди. Оғир металл ортилган юк машинаси шаҳар марказидаги Брайтшайдплац майдонидаги байрам ярмаркасига бостириб кирган. Ушбу машина 50 метрча масофада йўлда дуч келган одамларни босиб ўтиб, Янги йил арчасига урилиб тўхтаган. Теракт оқибатида 12 киши ҳалок бўлган, 50 нафар одам жароҳатланган. Ҳайдовчи қўлга олиниб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

● Колумбияда "Боинг-727" русумли юк самолёти ҳалокатга учради. Ҳалокат натижасида олти нафар экипаж аъзосининг бештаси ҳаётдан кўз юмди, тирик қолган бир кишининг ҳам аҳволи ниҳоятда оғир.

● Хитойнинг 24 саноат шаҳрида, жумладан, Пекинда атмосфера ҳавоси ифлосланишининг энг юқори даражаси эълон қилинганлиги боис мазкур шаҳарларда транспорт ҳаракатига чеклов қўйилди, мактаблар ва болалар боғчалари уч кун муддатга ёпилди. Фуқароларга кўчага чиқмаслик тавсия этилмоқда. Биргина пойтахтда бир куб метр ҳаводаги зарарли моддалар миқдори меъёрдан 17 баробарга ошиб кетган.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси жойларда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбари 2017 йилни мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилди. Шу муносабат билан қабул қилинадиган Давлат дастуридан ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи алоҳида ўрин эгаллашини, бу борада ёшлар учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим-тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича бошланган ишлар янги, юксак босқичга кўтарилишини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, Ватан равнақи, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишга муносиб ҳисса қўшишга қодир инсонлар бўлиб улғайиши учун барча имконият яратилмоқда. Ҳар бир ўғил-қиз спортга қадам қўяр экан, чемпион бўлиш, жаҳон спорт ареналарида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш орзуси билан яшайди. Унинг иқтидорию маҳорати ўз вақтида қўллаб-қувватланса, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун шароит ва имкониятлар яратилса, ҳаракатлари ҳеч қачон зое кетмайди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто, энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт мажмуалари барпо этилган. Ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шароит яратилган. Чемпион бўламан, деб интилган иқтидор эгаси борки, эътибордан четда қолмайди. Булар биз, ёшларнинг манфаатларимиз, эзгу орзуларимиз рўёбига хизмат қилмоқда.

Таълим тизимидаги уч босқичли узлуксиз спорт мусобақалари – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада ўйинлари миллионлаб спортсевар ёшларни бирлаштириш, уларнинг севимли мусобақасига айланиши баробарида халқаро спорт ареналарида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқармоқда.

Маърузада юртимиздаги ҳар қайси инсон, ҳар қайси оиланинг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари, аввалambor, унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлиши, рўёбга чиқиши, бу борада юртимизда улкан ишлар қилинаётгани ва улар амалда ўзининг ижобий натижасини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, ёшлигида спортга қизиқиб, лекин бугунгидай шароит, ўз иқтидорини намоён этиш учун имконият бўлмагани учун орзулари ушалмай қолиб кетган ота-оналаримиз бугун орзулари ижобатини фарзандлари тимсолида кўрмоқда.

Жорий йилда Бразилияда ўтказилган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз 44 медаль, жумладан, 12 олтин медални қўлга киритгани мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Мазкур нуфузли халқаро мусобақалар совриндорлари орасида мен ҳам борлигимдан, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишдек улкан бахтга муяссар бўлганимдан хурсандман.

Олимпия ўйинларида қатнашишнинг ўзи бир бахт бўлса, унда шоҳсупага кўтарилиш, сенга кўз тикиб турган халқинг ва мураббийларинг ишончини оқлаш, икки ҳисса бахтдир.

Беллашувлар осон кечгани йўқ. Лекин биз, спортчилар Ватан шаънини ҳимоя қилиш, юртимиз байроғини баланд кўтаришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик ва бу бизга катта куч-ғайрат бағишлади.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига мувофиқ "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" фахрий унвони билан тақдирланганим камтарона хизматларим давлатимиз томонидан юксак баҳоланганидан далолатдир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар инсон манфаатлари, унинг эзгу орзулари рўёбига, ҳуқуқ ва эркинликларини, тинч-осойишта, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу халқимиз, айниқса, ёшларни она Ватанга муҳаббат, унинг равнақи ва юксалишига дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундайди.

Ихтиёр НАВРЎЗОВ,
Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси,
XXXI ёзги Олимпия ўйинлари совриндори,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи

ТАДБИРКОРГА КЕНГ ИМКОНИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида ушбу марказлар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш вазифаси қўйилган бўлиб, бу тадбиркорлик субъектларининг ваколатли органлар билан ўзаро ҳамкорлигининг бевосита мулоқот қилмайдиган шакллари янада кенгайиши, бюрократик тўсиқлар барҳам топишига хизмат қилади.

2016 йилда марказларга 75 мингдан ортиқ мурожаат тушган бўлса, уларнинг барчаси вақтида ечимини топди. Мурожаатларнинг аксарият қисми Андижон, Хоразм, Фарғона, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларидан келган.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида "ягона ойна" маркази хизматларининг паспортлари, намунавий шакллар ва бланкалари кўчириб олиш учун қулай бўлган форматларда жойлаштирилгани тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилганлар учун қўшимча енгиллик яратмоқда. Эндиликда бўлажак тадбиркорлар марказга келишдан аввал керакли ҳужжатларни тайёрлаб келиш имконига эга бўлди.

Мамлакатимизда "Электрон ҳукумат" йўналишида амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида яна бир аҳамиятли лойиҳа – "Лицензия" ахборот тизимлари комплекси негизида Электрон лицензиялаш портали синов тариқасида ишга туширилди.

Ушбу портал орқали транспорт, архитектура ва қурилиш, биржа, риелторлик фаолияти, ломбард, лотерея, маданият, ноширлик фаолияти, реклама, қимматбаҳо металл ва тошлар айланмаси, савдо, божхона, банк, суғурта, қимматли қоғозлар, микрокредитлаш, нефть-газ комплекси ва минерал ресурслар, тиббиёт, фармацевтика, ветеринария, аудит, баҳолаш хизмати ва адвокатлик фаолияти, ахборот технологиялари, криптоҳимоялаш, ЭҲМ учун дастур ва тизимлар, таълим, спорт, туризм сингари йўналишлардаги маълумотларни олиш, лицензия ҳамда рухсат берувчи жараёнларни амалга ошириш мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш мамлакатимизда тадбиркорликнинг жадал тараққий этиши, инвестиция муҳитининг янада яхшиланиши, давлат органлари фаолиятини оптималлаштириш, пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсиши ҳамда халқимиз турмуш даражасининг янада юксалишида тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Беҳзод БОЗОРОВ,
ЎзА мухбири



АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Юртимизда мустақиллик йилларида тадбиркорликни янада ривожлантириш, шу орқали янги иш ўринлари ташкил этишга оид чора-тадбирларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани аҳоли фаровонлигини юксалтириш, иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланишида муҳим омил бўлмоқда.

Бу борада, тадбиркорлик субъектларини текширишлар сонини кескин қисқартирувчи, улар фаолиятига давлат органларининг асоссиз аралашувларини чекловчи ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлигини таъминловчи мустаҳкам механизм яратилмоқда.

Бунда айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони алоҳида аҳамият касб этади.

Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармон ва Қарорлари билан тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига кўра асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилди ҳамда гўшт ва сут етиштириш, уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 2021 йилнинг 1 январгача озод этилган.

Олмазор туман давлат солиқ инспекцияси томонидан тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар билан мунтазам равишда ўтказилаётган учрашувлар, семинар ва давра суҳбатларида мазкур соҳа вакилларига яратилаётган қулай шарт-шароитлар, солиқ имтиёзлари ва улардан фойдаланиш тартиб-тамойиллари тушунтириб борилмоқда. Бугунги кунга келиб туманда 14 та корхона юқорида қайд этилган қарорга кўра берилган имтиёзлардан самарали фойдаланмоқда. Натижада, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 287,2 млрд. сўм маблағ ушбу корхоналар ихтиёрида солиқ имтиёзлари эвазига қолдирилган. Қувонарлиси, тежалган маблағлар корхоналарнинг ўз ишлаб чиқариш фондларини кенгайтиришга, ишлаб чиқаришни техникавий қайта модернизациялашга, шу жумладан янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек, хом ашё базасини ривожлантиришга ва иш ўринларини яратишга йўналтирилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ўз ишлаб чиқаришини кенгайтириш асносида аҳоли бандлигини таъминлаётган, ички ва ташқи бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан бойитишга ҳисса қўшаётганлар орасида пойтахтимизнинг Олмазор туманида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Равшан ТАШМЕТОВ,
Олмазор туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан "Аҳолининг истеъмол маданиятини оширишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда федерация томонидан жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида амалга оширилган ишлар, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ички истеъмол бозорларимизда сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига зарарли маҳсулотлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш каби масалалар хусусида сўз юритилди.

Тадбирда таъкидланишича жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Федерация ва унинг ҳудудий тузилмаларига истеъмолчилардан жами 7 минг 600 дан зиёд ариза ва шикоятлар келиб тушган. Ушбу ариза ва шикоятларнинг аксарият қисми ёзма, шунингдек, оғзаки, ишонч телефонлари ва электрон шаклда бўлиб, уларнинг 92,6 фоизи ижобий ҳал этилди ва 2 миллиард 862 миллион сўмдан зиёд маблағ истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Ариза ва мурожаатларнинг асосий қисми табиий газ (29,5 фоиз), савдо-сотиқ (22,4 фоиз) ва электр энергияси таъминоти (14,9 фоиз) соҳалари ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, ичимлик суви таъминоти, коммунал хизмат кўрсатиш, транспорт, соғлиқни сақлаш масалалари бўйича ҳам шикоятлар кўпчиликни ташкил этади.

Айтиш жоизки, Федерация истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш баробарида тегишли вазирлик ва назорат қилувчи органлар билан бирга уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида ҳам тегишли дастурлар ишлаб чиқиб, амалга ошириб келмоқда.

Федерация ва унинг қуйи тузилмалари қонунлар тарғиботи, истеъмолчилар, фуқаролар мурожаатлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги, пластик карточкалар ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб сингари мавзуларга бағишланган ўқув-семинарлари ва давра суҳбатлари ўтказиб келмоқда.

Истеъмолчиларнинг мурожаатларини қабул қилишни самарали ташкил этиш ва уларга қулайликлар яратиш мақсадида Федерациянинг виртуал қабулхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, уларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари Федерациянинг интернет тармоғидаги www.istemol.uz веб-сайти ҳамда ягона "1091" "Ишонч телефони" орқали қабул қилинмоқда.

Ҳозирги кунда фуқароларнинг мурожаатлари тезкор қабул қилиниб, ижро учун Федерациянинг ҳудудий бирлашмалари ва тегишли назорат қилувчи органларга юборилмоқда. Истеъмолчиларга амалдаги қонунчиликка асосан тушунтириш ва маслаҳатлар берилмоқда.

Абдуалим САЛИМОВ

Яқинда пойтахтимизга келган меҳмонлар билан ҳунармандларимиз яратган асарларни томоша қилиб юрганимизда бир лаган қип-қизил анор эътиборимизни тортди. Анорлар шу қадар чиройли эдики, пишиқчилик вақти бўлсада улардан кўз узолмай қолдик. Ранги ҳам чиройли... тиниқ.

ҲУНАРМАНДЛАР ЯРАТАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР ЖИЛОСИ

Яқинроқ бориб билдикки улар сопол лаганга бўртма усулда ишлов бериб тайёрланган анорлар экан.

– Бир неча йилдирки, нақкошлик, керамика ҳамда миниатюра усулларини устозларимдан ўрганмоқдаман, – дейди ёш ҳунарманд, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтининг 3-босқич талабаси Асрор Исроилов. – Ана шу ўрганганларим асосида янги йўналиш – анорнинг бўртма шаклига асос солдик. Бунда лойдан турли ҳажмда ясалган анорлар печда пиширилади. Сўнгра ранг бериб яна пиширилади. Шундан кейин глазур сурилади. Агарда лой печда эмас, табиий шароитда қуриса, ундаги буёқлар тиниқ чиқмайди. Бу жараёнлардан сўнг тайёр анорлар турли нақшлар билан безатилган лаганга елим билан ёпиштирилади.

Устанинг айтишича, ана шундай декоратив анорли лаганларни тайёрлаш учун йигирма кундан кўпроқ вақт талаб этилади. Анор оила рамзи ҳисобланади. Аслида ҳам миллий ҳунармандларимиз анор мавзусига кўп бора мурожаат қилишганига гувоҳ бўлганмиз. Асроржон яратган анорлар ноодатийлиги билан исталган инсонни у хоҳ хориж-лик бўлсин, хоҳ юртдошимиз барчанинг эътиборини бирдай тортишига шубҳа йўқ.

Қадимда қаерда марказлашган давлат шаклланган бўлса, шу жойда ҳунармандчилик, илм-фан, санъат гуркираб ривожланган. Янгиянги саройлар, уй-жойлар, мадраса, масжидлар қурилган. Уларни қурганда бинонинг мустаҳкамлигини, гўзаллигини ошириш мақсадида устунлар, дарвозалар, эшиклар ёғочдан ишланган. Уларнинг кўпчилиги нақшинкор бўлиб бугунги кунгача кишиларни ҳайратга солиб келмоқда.

Юртимизда миллий ҳунармандчилик анъаналарини асраб-авайлаш, давом эттириш, ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, шу асосда қадриятлар бардавомлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Миллий ҳунармандчилик соҳаси вакиллари учун барча зарур шароит яратилган. Улар турли солиқлардан озод қилинган, қатор имтиёзлар билан таъминланган. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 1997 йил 31 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Кулолчиликда асосий хом ашё лой ҳисобланади. У қанча сифатли бўлса, қанчалик яхши пишитилса, сопол сифати шунча яхши бўлади, — дейди ёш ҳунарманд Асрор Исроилов. — Кулолнинг асосий иш қуроли — кулоллик чархи. Уста унда идишлар тайёрлайди ва шакл беради. Тайёрланган идишлар қуритилиб, хумдонда қиздирилади. Маҳсулотлар сирланганидан сўнг яна бир бор хумдонда пиширилади. Бу мураккаб жараёнда санъат маҳсулини яратиш учун кулол ўзининг бор фантазияси, қобилияти ҳамда ижодий салоҳиятини ишга солиши керак. Ана шунда сопол кўзачалар ҳамда ҳайкалчалар ҳақиқий санъат асари даражасига етади.

Чет элларда кулолчилик маҳсулотлари жуда қиммат туради. Чунки сопол экологик тоза маҳсулот саналиб, намликни мувофиқлаштириш, ҳаво ўтказиш каби хусусиятларига кўра, чинни, хрустал ҳамда металлдан ясалган рўзғор анжомларидан фарқ қилади. Мутахассислар фикрича, сопол идишларда саломатликка зиён етказувчи хусусиятлар мавжуд эмас.

Юртимизда ҳар қандай фойдали ғоя, ибратли тадбир ҳамда тадбиркорлик лойиҳаси қўллаб-қувватланади. Шу кунгача етиб келган қадим кулолчилик санъатини сақлаб, авлоддан-авлодга етказиб келаётган уста-ҳунармандлар бор бўлсин. Кимёвий бирикмалардан холи, табиий ва экологик тоза тупроқдан ясалган сопол буюмлар турмушда ишлатиш учун қулай бўлиши билан бирга, уларда миллийлигимиз, қадриятларимиз ўз аксини топади. Айнан шу сабаб, ота-боболардан мерос кулолчилик санъатини янада ривожлантириш муҳим ва аҳамиятлидир.

Зиёда ВОҲИДОВА

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК!

Бугунги кунда катта-катта корхоналарни, ҳатто кичик дўкон ёки хонадонни электр энергиясисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги замон техникасининг ривожи натижасида инсон меҳнати тобора енгиллашмоқда. Техникалар эса электр энергиясисиз ишламайди.

Ҳар бир юридик ёки жисмоний шахс энерготаъминот корхонаси билан электр энергияси таъминоти бўйича ўзаро шартнома тузади. Унга биноан ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки унинг электр таъминоти тузилмаси истеъмолчига электр қувватини уланган тармоқ орқали етказиб бериш, истеъмолчи эса фойдаланилган хизмати учун электр энергияси ҳақида ўз вақтида тўлаш, электр энергияси истеъмол қилишнинг шартномасида назарда тутилган тартибига риоя этиш, ўзи фойдаланаётган тармоқлар билан боғлиқ асбоб ва ускуналарнинг лозим даражадаги техник ҳолатини ҳамда ҳавфсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Электр энергияси истеъмолчилари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам мавжуд. Электро-энергетика тўғрисидаги қонунда қайд этилган мажбуриятларга тўлиқ амал қилган ҳолда истеъмолчилар электр энергиядан оқилона ва тўғри фойдаланиш, унинг беҳуда сарфланишига йўл қўймаслик, хизмат ҳақини ўз вақтида тўлаш ва техника хавфсизлигига тўлиқ риоя қилиш орқали электр қувватининг узлуксиз таъминланишига ўз ҳиссасини қўшган бўладилар.

Шухрат АБДИРАХМОНОВ,
"Ўздавэнергоназорат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими инспектори

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 26

Ўзбекистон
05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Меҳрибоним". Т/с.
07.35 "Қишлоқ ҳаёти".
07.55 "Иқлим".
08.00 "Таҳлилнома".
08.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
09.10 "Ўзбекистон – умумий уйимиз".
09.30 "Руҳшунос". Т/с.
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Агроолам".
11.30 "Тинчлик сурури".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
13.45 Анонс.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Зиё" студияси: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
14.45 "Менинг боғим".
15.05 "Бизнес старт".
15.30 "Мўъжизалар макони".
16.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
17.40 "Лойиҳадан натижагача".
18.00 "Суҳбатдош".
18.20 "Имконият".
18.40 "Монк". Т/с.
19.25, 20.00, 20.50 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.00 "Руҳшунос". Т/с. Премьера.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат". Ток-шоу.
22.25 – 00.10 "Сизга мактуб". Б/ф.
00.10 "Имконият".
00.30 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Кечиккан ҳаёт". Б/ф.
04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал: "Меҳрибоним".
05.15 Анонс.
05.25 – 05.55 "Мўъжизалар макони".

Ёшлар
06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Афсона ва ҳақиқат".
07.00 "Бир қадам". Т/с.
07.50 "Ош бўлсин!"
08.30 "Меҳмонхона". Т/с.
09.50 "UzEX".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Қалбим эгаси". Т/с.
11.00 "Тўти Юсупова". Х/ф.
11.40 "Соғлом ҳаёт".
12.00 "Олтин даврим". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Вельвет галереяси". Т/с.
15.00 "Сўз ёшларга".
15.30 "Истиқлол тенгдошлари".
15.50 "Огоҳ бўлинг!"
16.00 "Давр".
16.10 "Янги йилгача келаман". Б/ф.
17.30 "Давр мавзуси".
17.50 "Самовий ишқ". Т/с.
18.50 "Телетухфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Қалбим эгаси". Т/с.
20.20 "Нуқтаи назар".
21.00 "Олтин даврим". Т/с.
21.50 "Телетухфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Қўнғироқсоч Сью". Б/ф.
00.10 "Афсона ва ҳақиқат".
05.10 "Сеҳрли қўллар".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент
05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00, 07.00, 08.00, 09.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 02.00 "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Умидингни сўндирма".
06.45 "Poytaxt-avto".
06.55 "Тошкент вақти".
09.10 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с.
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Столичное мнение".
11.40 "Обод хонадон".
12.15 Миллий сериал: "Умидингни сўндирма".
12.45 "Poytaxt-Hi-tech".
13.15 "Пойтахт-культура".
13.30 "Эртамиз эгалари".
13.50 "Пойтахт-Hi-tech".
14.15 "Тошкент вақти".
16.10 "Хорижда ишлаш шарти".
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Кўзгудаги биз".
17.45 "Мобиль камера".
18.20 "Пойтахт-авто".
18.35 "Кинотақдим".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Муҳаббат қиссалари: Сенга шайдоман". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Сифат назорати".
21.30 "Пойтахт-авто".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Ёлки-1". Х/ф.
23.45 "Poytaxt-avto".
00.05 "Сифат назорати".
00.30 "Мобиль камера".
00.45 "Пойтахт-культура".
00.55 "Мен сизга айтсам".
01.30 "Кўнгил ҳайратлари".
02.15 "Профессионал".
02.35 "Poytaxt-Hi-tech".
02.45 "Рангли телевизор".
03.25 "Ҳикматли дунё": "13-палата".
03.55 – 05.55 "Тошкент вақти"

Спорт
06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Қорақалпоқ спорти".
06.30 "Бизнинг спорт".
07.00 "Sport online".
08.00 Талқин.
08.35 Футзал. Осиё чемпионати. Ўзбекистон – Саудия Арабистони.
10.15 "Машҳурлар".
10.50 Эркин ва юнон рум кураши. Ўзбекистон чемпионати.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport online".
13.05 Чанғи пойгаси. Жаҳон Кубоги.
14.00 Хабарлар.
14.20 Интерфутбол.
16.05 "Спорт сабоқлари".
16.35 Баскетбол.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Болалар спорти".
18.25 "Футбол янгиликлари".
18.30 Хабарлар.
18.50 "Техноспорт".
19.05 "Матонат".
19.30 "Юлдузли оқшом".
20.20 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар.
20.50 "Футбол янгиликлари".
21.00 "Спорт фидойилари".
21.40 Футбол. Жаҳон чемпионати-2018. Ўзбекистон – Сурия.
23.20 "Машҳурлар".
00.00 Мадҳия.
00.05 Баскетбол.
01.30 Хабарлар.
01.55 "Дилдаги гаплар".
02.45 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
03.45 "Спорт фидойилари".
04.25 – 06.00 Футзал. Осиё чемпионати. Ўзбекистон – Саудия Арабистони.

Маҳалла
06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Меҳробдан чаён".
06.35 "Муҳаббат риштаси".
07.00 "TV анонс".
07.05 Миллий кино. "Меҳригиё".
08.45 "7 кун нафаси".
09.00 "Маҳалламиз спортчилари".
09.55 Теленовелла. "Бир куни маҳалламизда".
10.35 "TV анонс".
10.40 Ҳужжатли фильм. "Сўзана".
11.00 "Йўлга чиқдик".
11.25 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
12.05 "Гузардаги гурунглар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Йигитали".
14.10 "TV анонс".
14.15 "Кўнгилдаги гаплар". Ток- шоу.
15.00 Миллий сериал. "Вақт қадри".
15.30 "Ноёб институт".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Фермер".
16.30 "Илм қудрати".
16.55 "TV анонс".
17.00 Миллий сериал. "Умр сўқмоқларида".
17.30 "Очиқ дарс".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
19.00 Миллий сериал. "Меҳр боғи".
19.30 "Саодатли умр".
20.00 "Халқ виждони". Ток-шоу.
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Онажоним орзуси".
22.35 "TV анонс".
22.40 "Тунги репортаж".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Обод манзиллар".
23.35 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Меҳробдан чаён".
00.35 "Нуроний фасл".
01.00 Миллий кино. "Йигитали".
02.10 "Иш билганга минг танга".
02.40 "Маҳаллам ҳақида".
03.00 Миллий сериал. "Вақт қадри".
03.30 "Меҳр қолур". Ток-шоу.
04.15 "Бола бошидан".
05.00 Миллий сериал. "Умр сўқмоқларида".
05.35 – 06.00 "Аждодлар хазинаси".

Болажон
07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Худойберди бобо меҳмонда".
07.40 "Миттивойлар мусобақаси".
07.50 "Мультипанорама".
08.40 "Миттивойлар оиласи".
09.00 "Болалар учун фильм".
10.10 "Қувноқ алифбо".
10.40 "ABC-kids".
11.00 "Мультипанорама".
12.40 "Табиатга саёҳат".
13.00 "Болалар учун фильм".
14.20 "Катта танаффус".
14.30 "Эртаклар оламида".
16.00 "Сеҳрли қўллар".
16.10 "Болалар учун фильм".
17.40 "До-ми-соль".
18.00 "Мультипанорама".
19.30 "Сеҳрли глобус".
20.20 "Билағон болажон".
20.50 "Мультипанорама".
21.50-22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр
06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Ғаройиб бола". Б/ф.
07.30 Миллий кино. "Пойма-пой".
09.05 Оилавий экран. "Кўркам йигит".
10.50 Саргузашт фильмлар экрани. "Адолат тарафдори". Б/ф. 1-қисм.
11.55 "Адолат тарафдори". Б/ф. 2-қисм.
13.00 Кундузги сериал. "Абадият. Ақиқ китоби". 1 – қисм.
14.00 "Олтин кўл". Б/ф.
15.45 Болалар экрани. "Ажойиб юлдузим".
17.15 Мировое кино. "Золушка".
19.00 "Саргузаштлар ороли". Т/с.
19.45 "Prologue" фестивали фильмлари.
20.10 Миллий кино. "Баракасини берсин".
21.30 "Ҳафта юлдузи". Саиф Али Хон.
21.50 Болливуд туҳфаси. "Орзуманд юраклар". Б/ф. 1-қисм.
22.50 "Орзуманд юраклар". Б/ф. 2-қисм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Карнавал". Х/ф.
02.40 "Серқуёш водий таронаси". Б/ф.
04.05 – 06.00 "Жума оқшоми шукуҳи". Б/ф.

ЧОРШАНБА, 28

Ўзбекистон
05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Абадият қўшиғи".
07.40 "Кунларнинг бирида".
8.00 "Ахборот".
08.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
09.10 "Суҳбатдош".
9.30 "Руҳшунос". Т/с.
10.15 "Ягона оилада".
10.35 Анонс.
10.40 "Ҳунар сирлари".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Мўъжизалар макони".
11.40 "Қорачиқ".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Заковат".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Имконият".
14.35 "Бу ҳам муҳим". Ток-шоу.
15.15 "Агроолам".
15.35 Анонс.
15.45 "Ҳаётдаги мен".
16.15 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
17.40 "Парламент ҳаёти".
18.00 "Қишлоқ ҳаёти".
18.20 "Таҳлил – 25".
18.40 "Монк". Т/с.
19.25, 20.00, 20.50 Эълонлар.
19.30 "Ахборот". /рус/.
20.00 "То қуёш сочкайки нур".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Менинг боғим".
22.00 – 23.30 "Тақдирда бўлмагунча". Б/ф.
23.30 "Ягона оилада".
23.50 "Таҳлил – 25".
00.10 "Менинг боғим".
00.30 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
1.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Алдагани хотин яхши". Спектакль. 1-қисм.
03.20 "Қорачиқ".
03.40 "Қишлоқ ҳаёти".
4.00 "Ахборот".
04.40 "Ҳаётдаги мен".
05.15 – 05.55 "То қуёш сочгайки нур".

Ёшлар
06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Афсона ва ҳақиқат".
07.00 "Бир қадам". Т/с.
07.50 "Ош бўлсин!"
08.30 "Меҳмонхона". Т/с.
09.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Қалбим эгаси". Т/с.
11.00 "Дугоналар".
11.40 "Давр мавзуси".
12.00 "Олтин даврим". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Вельвет галереяси". Т/с.
15.00 "Истиқлол тенгдошлари".
15.10 "Қорақалпоқ ёшлари".
15.30 "Автопатруль".
15.50 "Огоҳ бўлинг!"
16.00 "Давр".
16.10 "Янги йил мактуби". Б/ф.
17.30 "Ўзбек адабиёти".
17.50 "Самовий ишқ". Т/с.
18.50 "Телетухфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Қалбим эгаси". Т/с.
20.20 "Нуқтаи назар".
21.00 "Олтин даврим". Т/с.
21.50 "Телетухфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Уйиндан ўт чиқди". Б/ф.
00.10 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент
05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00, 07.00, 08.00, 09.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 02.00 "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Умидингни сўндирма".
06.45 "Пойтахт-авто".
06.55 "Тошкент вақти".
09.10 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с.
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с. /Якунловчи/.
11.15 "Обод хонадон".
11.40 "Эртамиз эгалари".
12.15 Миллий сериал: "Умидингни сўндирма".
12.45 "Мактуб". Х/ф.
13.15 "Мобильная камера".
13.30 "Телетаҳлил".
14.15 "Тошкент вақти".
16.10 "Муҳаббат қиссалари: Сенга шайдоман". Т/с
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Тошкентнома".
17.35 "Мобиль камера".
17.45 "Poytaxt-intervyu".
18.20 "Poytaxt-avto".
18.30 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Муҳаббат қиссалари: Сенга шайдоман". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Бунёдкорлик солномаси".
21.30 "Тошкентнома".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Мистер рождество". Х/ф.
23.45 "Пойтахт-авто".
00.05 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
00.35 "Poytaxt-Hi-tech".
00.50 "Мактуб". Х/ф.
01.05 "Poytaxt-intervyu".
01.20 "Мен сизга айтсам".
02.15 "Кинотақдим".
02.45 "Кўнгил ҳайратлари".
03.15 "Poytaxt-madaniyat".
03.30 "Ҳикматли дунё": "Ўз уйинг ўлан тўшагинг".
03.55 – 05.55 "Тошкент вақти"..

Спорт
06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Соғломжон-полвонжон".
06.40 "Ифтихоримсан, спорт!"
07.00 "Sport online".
08.00 Хабарлар.
08.15 Футзал. Осиё чемпионати. Ўзбекистон – Ливан.
09.50 "Шоҳсупага йўл".
10.35 Баскетбол.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport online".
13.00 "Эътироф".
13.10 "Соғлом турмуш сари".
14.00 Хабарлар.
14.20 Футбол. Жаҳон чемпионати-2018. Қатар – Ўзбекистон.
16.00 "Болалар спорти".
16.30 Баскетбол.
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 "Машҳурлар".
18.25 "Футбол янгиликлари".
18.30 Хабарлар.
18.50 "Техноспорт".
19.05 Таэквондо. WTF. Ўзбекистон чемпионати.
20.10 "Эътироф".
20.20 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар.
20.50 "Футбол янгиликлари".
21.00 "Спортчи қизлар – Ўзбекистон ифтихори".
21.45 Футбол. Жаҳон чемпионати-2018. Ўзбекистон – Эрон.
23.35 "Машҳурлар".
00.00 Мадҳия.
00.05 Баскетбол.
01.30 Хабарлар.
01.50 Таэквондо. WTF. Ўзбекистон чемпионати.
02.50 Бокс. Ўзбекистон чемпионати.
03.50 "Спортчи қизлар – Ўзбекистон ифтихори".
04.30 – 06.00 Футзал. Осиё чемпионати. Ўзбекистон – Ливан.

Маҳалла
06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Меҳробдан чаён".
06.35 "Маҳаллам ҳақида".
06.55 Миллий кино. "Шабнам".
08.30 "Кун нафаси".
08.40 "Очиқ дарс".
09.00 Миллий сериал. "Ҳаёт вальси".
09.40 "Ноёб институт".
10.10 "Табиат шифохонаси".
10.40 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
11.05 "Биламизку, аммо".
11.30 "Аслидек асрайлик".
12.00 "Маҳалламиз болалари".
12.25 "Обод манзиллар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Севги афсонаси". 2-қисм.
14.05 "Халқ виждони". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал. "Вақт қадри".
15.30 "Саодатли умр".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Қадр топган қадриятлар".
16.35 "Тунги репортаж".
17.00 Миллий сериал. "Умр сўқмоқларида".
17.30 "TV анонс".
17.35 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Обод юрт одамлари".
18.30 "Таҳлил ва талқин".
19.00 Миллий сериал. "Ҳаёт вальси".
19.30 "Соғлом оила".
20.00 "Ён қўшним-жон қўшним".
20.25 "Тўйлар муборак!"
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Ҳаётим орзуси".
22.30 "TV анонс".
22.35 "Қайнона бисотидан".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Шукрона".
23.35 "Томорқа".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Меҳробдан чаён".
00.35 "Мўъжаз Ватан".
01.00 Миллий кино. "Севги афсонаси". 2-қисм.
02.05 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
02.45 "Автотелемактаб".
03.05 Миллий сериал. "Вақт қадри".
03.35 "Теран илдизлар".
04.05 "Гузардаги гурунглар".
05.00 Миллий сериал. "Умр сўқмоқларида".
05.35 – 06.00 "Йўлга чиқдик".

Болажон
07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Худойберди бобо меҳмонда".
07.40 "Миттивойлар мусобақаси".
07.50 "Мультипанорама".
08.40 "Миттивойлар оиласи".
09.00 "Болалар учун фильм".
10.10 "Қувноқ алифбо".
10.40 "ABC-kids".
11.00 "Мультипанорама".
12.40 "Табиатга саёҳат".
12.50 "Сеҳрли қўллар".
13.00 "Болалар учун фильм".
14.20 "Катта танаффус".
14.30 "Мултипанорама".
16.00 "Ширинтой-кичкинтойлар".
16.10 "Болалар учун фильм".
17.40 "До-ми-соль".
18.00 "Мультипанорама".
19.30 "Янги йил эртаги".
20.50 "Мультипанорама".
21.50-22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр
06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Ўғил бола гап". Б/ф.
07.35 Миллий кино. "Мерсквич".
09.00 Оилавий экран. "Аляска".
10.55 Саргузашт фильмлар экрани. "Дельфин қиссаси". 1-қисм.
12.00 "Дельфин қиссаси". 2-қисм.
